



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Шокиржон Шарипжонович Банноев – Наманган давлат университети мустақил тадқиқотчиси

МАҲАЛЛИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация: Мақолада маҳаллий озиқ-овқат бозорининг моҳиятини очиб берувчи тадқиқотлар гуруҳларга ажратилган ва замонавий ёндошувлар умумлаштирилган. Маҳаллий озиқ-овқат бозорига такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг бажарадиган вазифалари асосида сегментация қилинган ва иерархик даражалари белгиланган. Маҳаллий озиқ-овқат бозорида мажмуавий тавсифдаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: минтақа, минтақа иқтисодиёти, минтақавий бозор, маҳаллий озиқ-овқат бозори, ижтимоий-иқтисодий, аҳоли, ҳудуд.

Кириш. Минтақа иқтисодиёти тармоқларининг нотекис жойлашиши, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш концентрацияси ва аҳоли жойлашувининг урбанизацияси билан боғлиқ бўлган кутбланган ривожланиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий табақаланиш кузатилади. Шунга мос равишда, аҳолининг зичлиги ва турмуш даражаси, миграция ва бошқа демографик жараёнларнинг ҳудудий нотекислиги маҳаллий бозорларнинг табақалашган ҳолда ривожланиши учун табиий шарт-шароитлар яратади. Шу боис, маҳаллий бозорларнинг ривожланиш даражаси кўпинча ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига мос келмаслиги билан ажралиб туради. Натижада аҳолининг ўсиб бораётган талаблари ва уларни қондириш имкониятлари ўртасида номуносивлик кузатилади. Бу эса ижтимоий-иқтисодий табақаланишни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий озиқ-овқат бозорини мувозанатли ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Минтақавий иқтисодий маконнинг таркибий қисми сифатида маҳаллий озиқ-овқат бозорларини етарлича тадқиқ этилмаганлиги турли хил ёндашувларни шаклланишига олиб келган. Айни пайтда минтақавий бозорни талқин қилишда ҳам турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотларда минтақавий бозорни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар манфаатлари мувофиқлаштирилган муомала соҳасининг ҳудудий ташкилоти сифатида белгиланса [1], иккинчи гуруҳ тадқиқотларда минтақавий бозор – бу алоҳида минтақанинг бозори бўлиб, тақдим этилган товарларнинг жойлашуви ва турлари, нархлар, конъюнктура, талаб ва таклиф билан ажралиб туради [2]. Кўриниб турибдики, келтирилган таърифларда минтақавий бозорнинг ҳудудий чегараланиши ва конъюнктуранинг ўзига хос хусусиятлари (талаб ва таклиф, нархлар) каби белгилари акс эттирилган. Шунингдек, минтақавий бозорлар органик равишда ягона миллий бозорга мос келади ва уларнинг баъзилари кўпроқ ёпиқ (ички, маҳаллий) характерга эга, деган талқинлар ҳам кузатилади. Бундай бозорларга кўчмас мулк бозорлари мисол келтирилади [3]. Минтақавий бозорни талқин этишда мажмуали ёндашувлар ҳам таклиф қилинган. Жумладан, минтақавий бозор – бу талаб ва таклифнинг ўзига хос хусусиятлари таъсири остида шаклланган юқори даражада маҳаллийлаштирилган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва муомаладаги муносабатлар мажмуидир. Бунда ҳар бир маъмурий-ҳудудий субъект тижорат ечимларини ҳисобга олган ҳолда бозор шароитларини тартибга солиш усулларини ишлаб чиқади ва қарорлар қабул қилади [4]. Бозорнинг шаклланиши қонуниятлари минтақадаги иқтисодий муносабатлар тизими ва минтақавий такрор ишлаб чиқариш табиати билан белгиланади. Минтақавий бозорлар минтақадаги барча такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаши учун зарур бўлган иқтисодий муҳитни шакллантиради [5]. Минтақавий бозор соддалаштирилган тартибда маълум бир ҳудуднинг бозор муносабатлари тўплами сифатида тақдим этилади. Буни иқтисодий ҳодиса ва минтақавий бошқарув механизмининг бир қисми шаклида кўриб чиқиш мумкин [6].

Минтақавий бозорни талқин этишга қаратилган барча ёндашувларни умумлаштириш ва гуруҳлаш асосида маҳаллий бозорнинг ўзига хос фаолияти бўйича хулосалар ишлаб чиқиш мумкин. Жумладан: минтақавий бозорларнинг маҳаллий бозорлардан иборат маълум бир иерархияси мавжуд; минтақавий бозорларда изоляция мавжуд эмаслиги маҳаллий бозорларнинг ўзаро алоқада эканлиги билан боғлиқ; минтақавий бозорларнинг қўшни ҳудудлардан харидорларни фаол жалб қиладиган кучли томони маҳаллий даражада аниқланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қиёсий таҳлил усули орқали маҳаллий озиқ-овқат бозорининг умумий ва ўзига хос бўлган жиҳатлари аниқланди. Абстракциялаш усули ёрдамида турли хил фикрларни умумлаштирилган натижалари шаклланди, бу эса маҳаллий озиқ-овқат бозоридаги ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг муайян гуруҳини кузатишга ва унинг асл мазмунини билиб олишга имкон берди. Тадқиқотнинг формал тус берилган мантиқий усуллари орқали маҳаллий озиқ-овқат бозорининг назарий умумлашмаси яратилди ва аҳамияти асосланди.

Таҳлил ва натижалар. Озиқ-овқат бозори субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг макон жиҳатидан тақсимланишига боғлиқ. Шунинг учун маҳаллий озиқ-овқат бозорига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг минтақавий кўпайиш циклининг таркибий қисми сифатида эътибор бериш ва алоҳида минтақада (вилоят ёки туманда) тадқиқ этиш талаб этилади.

Хорижий мамлакатларда маҳаллий озиқ-овқат бозорининг амал қилиш белгилари бўйича олиб борилган тадқиқотларда мунозарали ҳолатларни кузатиш мумкин. Жумладан, маҳаллий озиқ-овқат бозори – бу истеъмол қилинадиган жойда ишлаб чиқариладиган, кўпинча кенг кўламли савдо тизимидан фарқ қиладиган ижтимоий тузилма ва таъминот заңжиридир [7]. Маҳаллий озиқ-овқат бозори кўпроқ мустақил ва барқарор тармоқларни ривожлантириш учун бир хил географик минтақада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни боғлашга интилади [8].

Маҳаллий озиқ-овқат бозорига экологик нуқтаи назаридан ҳам қаралади. Бунда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳудудини иқлим, ер-сув ресурслари ва бошқа маҳаллий агротизимлар билан белгиланадиган асосий экологик минтақа кўриб чиқилади. Мазкур экологик минтақада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва қаерларда сотилиши кузатиб борилади [9].

Таъкидлаш лозимки, кенг жамоатчилик томонидан деҳқон бозорлари ёки тўғридан-тўғри истеъмолчиларга маҳсулот сотадиган фермерлар маҳаллий озиқ-овқат бозори сифатида тавсифланади. Бу ерда сиёсий географик чегараларга ёки озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш масофаларига эътибор берилади. Айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда маҳаллий даражада маҳсулот сотиладиган жой ёки маҳсулот ташиладиган умумий масофа 650 км.дан кам бўлиши белгилаб қўйилган [10].

Мазкур ёндашувлардан ташқари ёки нафақат етказиб берувчи ва истеъмолчининг географик жойлашувини ўз ичига олган, балки маҳаллий озиқ-овқат бозорлари ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва глобал таъминот заңжирини белгилаб берадиган тизим сифатида ҳам тадқиқ этилган. Жумладан, маҳаллий озиқ-овқат бозори глобал озиқ-овқат бозорининг муқобилини англатади ва аксарият ҳолларда озиқ-овқат истеъмолига етиб боргунча бўлган масофани қамраб олади [11]. Бу эса маҳаллий озиқ-овқат бозорининг чегарасини аниқлашга тўсқинлик қилади.

Бизнингча, миллий ёки импорт маҳсулотлар сотилишидан қатъи назар маҳаллий бозорлар аниқ манзил билан чегараланган. Агар маҳаллий бозорда чет мамлакатнинг маҳсулоти сотилган бўлса, мазкур маҳсулот маҳаллий бозорнинг савдо ҳажмида ҳисобга олинади. Экспорт қилувчи мамлакат эса ҳалқаро ёки жаҳон бозорига чиққан бўлади. Демак, вилоятнинг бирор туманида ишлаб чиқилган маҳсулот жаҳон бозорида сотилса, бу маҳаллий бозорни ифодаламайди.

Умуман олганда, узоқ хориж мамлакатларида маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ягона таърифи мавжуд эмас ва унинг концепцияси ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги

географик масофалар доирасида ўзгариб туради.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотларни ҳам бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳ тадқиқотлари шуни кўрсатадики, маҳаллий озиқ-овқат бозори миллий озиқ-овқат бозорининг табиий таркибий қисми бўлиб, минтақа ва мамлакатнинг бозор маконига қўшилиб кетган [12]. Иккинчи гуруҳ тадқиқотларида эса маҳаллий озиқ-овқат бозори минтақавий бозорнинг бир қисмидир. Маҳаллий озиқ-овқат бозори доирасида ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш анъаналарини ҳисобга олган ҳолда маълум бир минтақа ҳудудида ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини ёки уларнинг гуруҳларини сотиш амалга оширилади ва ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига максимал даражада яқинлиги билан тавсифланади [13].

Юқоридаги олиб борилган тадқиқотлар ва замонавий ёндашувлар “маҳаллий озиқ-овқат бозори”га ягона таъриф беришга имкон бермайди. Аксарият ҳолларда маҳаллий озиқ-овқат бозорлари ҳудудий, товар, репродуктив, институционал жиҳатдан тавсифланади ва шу асосда турли хил концепциялар шаклланади.


Ўзбекистонда маҳаллий озиқ-овқат бозорларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига кам сонли тадқиқотлар бағишланган ва бирор бир йўналишдаги концепция шаклланмаган. Фақат деҳқон бозорининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар кузатилади [14]. Шунингдек, деҳқон бозорида нархнинг мавсумий ўзгаришлари ҳам тадқиқ этилган [15].

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ва тўлдирган ҳолда таъкидлаш лозимки, маҳаллий бозор чегараларини аниқлаш учун этимологияга (сўзнинг келиб чиқишини аниқлашга қаратилган тадқиқот усуллари мажмуи) мурожаат қилиш керак. “Маҳаллий” атамаси латин тилидаги “localis” сўзидан олинган бўлиб, “фақат маълум бир жойга хос”, “тор ҳудудга чўзилган”, “маълум чегаралардан ташқарига чиқмаслик”, “маълум бир нуқтада тўпланган ижтимоий тартиб” деган маъноларни англатади [16]. Шунга асосланиб, маҳаллий бозор чегаралари тўғрисида аниқ хулоса чиқариш мумкин. Жумладан, маҳаллий бозорлар – минтақада товар ишлаб чиқариш жараёни ва унинг истеъмоли ўртасидаги боғловчи бўғинлардир.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий озиқ-овқат бозорига таъриф бериш мумкин бўлади. Бизнингча, маҳаллий озиқ-овқат бозори – бу ҳудуднинг ўзига хос демографик хусусиятлари, географик чегаралари, инфратузилмаси, нархлари, институционал қоидалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол хусусиятлари билан ажралиб турадиган, ижтимоий-иқтисодий фаровонлик ва минтақанинг мустақиллигини сақлаб қолиш кафолати бўлган макондир.

Маҳаллий озиқ-овқат бозорида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган истеъмол учун тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ва агросаноат мажмуасининг якуний (озиқ-овқат саноати) маҳсулоти олди-сотди объекти ҳисобланади. Маҳаллий озиқ-овқат бозори фаолияти фақат аҳоли истеъмолига боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёндир. Бу ерда шуни эътиборга олиш лозимки, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти чекланган ёки маълум бир минтақада қайта ишлаш саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғридан-тўғри аҳолининг истеъмолига қаратилган бўлади ва маҳаллий озиқ-овқат бозорида сотилади (1-расм).

Маҳаллий озиқ-овқат бозори фаолияти ҳақида сўз борганда, бундай бозорнинг институционал тузилмаси ва мувозанат динамикаси минтақа иқтисодиёти тармоқларида ривожланаётган ўзига хос шароитлар билан белгиланади. Бунда институционал тузилма мамлакат ва минтақада мавжуд бўлган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар, тармоқ ва соҳаларнинг манфаатларини қамраб оладиган турли омиллар мажмуасини ифодалайди. Жумладан, табиий ресурсларни ўзлаштириш имконияти, ишлаб чиқаришни маълум ҳудудларда жамланиши, ҳудудий ихтисослашув самарадорлиги каби омиллар давлат сиёсати, ҳудудий ва рақобат ҳолатларида ўзгариб туради. Шу жиҳатдан, маҳаллий озиқ-



1-расм. Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ихтисослашув белгилари¹

овқат бозори мураккаб жараён ҳисобланади, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳаларида мавжуд бўлган объектив омилларнинг ўзаро таъсири остида шаклланади. Мазкур омиллар ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман олганда, маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- товар жиҳатидан маълум бир озиқ-овқат маҳсулотларини (нон, гўшт, сут ва бошқалар) ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар гуруҳини ифодалайди;

- иқтисодий нуқтаи назардан сотувчиларнинг фойда олиши ва аҳолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуасини англатади;

- макон жиҳатидан минтақанинг таркибий қисмлари бўлиб, унинг доирасида тақсимланган талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири амалга оширилади. Маҳаллий озиқ-овқат бозори ҳар қандай иқтисодий макон сингари ўз-ўзини ташкил этиш, ўзаро боғлиқлик ва очиклик каби хусусиятлар билан ажралиб туради. Минтақанинг макон жиҳатидан нотекис ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий озиқ-овқат бозорларини ривожлантириш ҳам иқтисодий фаолиятнинг тақсимланиши ва концентрациясига қараб фарқланади;

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

- такрор ишлаб чиқариш жиҳатидан минтақадаги ҳудудий меҳнат тақсимоти ва шу билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий табақаланишга боғлиқликни белгилайди, шунингдек минтақада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир қилиш қобилиятини ҳам белгилайди.

Юқоридагилар маҳаллий озиқ-овқат бозорини минтақанинг иқтисодий маконининг бир қисми сифатида ҳаракатланадиган чегаралар билан изоҳлашга имкон беради. Шунингдек, минтақадаги маҳаллий озиқ-овқат бозори иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимини англатади, уларнинг манфаатлари кўпинча жуда хилма-хил бўлиб, бу уларнинг ривожланишини асослаш учун мажмуали ёндашувни талаб қилади.

Хулоса ва таклифлар. Минтақадаги мавжуд табиий ва ижтимоий-иқтисодий табақаланиш маҳаллий озиқ-овқат бозорининг нотекис ривожланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига мос келадиган маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ривожланиш даражасига эришадиган маълум бир мувозанатни таъминлаш керак ва бу мураккаб жараён ҳисобланади.

Маҳаллий озиқ-овқат бозори ҳар бир мамлакат иқтисодиётида устуворликка эга ва мажмуавий тавсифдаги тизимли тадбирларни амалга оширишни тақозо этади, жумладан:

- ижтимоий-иқтисодий табақаланиш шароитида минтақадаги маҳаллий озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг асосий мақсади аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришдан иборат бўлиши керак;

- минтақада маҳаллий озиқ-овқат бозорини ривожлантиришнинг бошланғич нуқтаси сифатида маҳсулот таъминотини шакллантиришнинг ички манбаларини фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади;

- маҳаллий озиқ-овқат бозорига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг минтақавий кўпайиш циклининг таркибий қисми сифатида эътибор бериш ва алоҳида минтақада (вилоят ёки туманда) тадқиқ этиш талаб этилади.

- маҳаллий озиқ-овқат бозори минтақавий циклининг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатида мазкур жараённи аҳамиятини ҳисобга олиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Новоселов А.С. Теория региональных рынков. – Новосибирск: Экономика, 2002. – С. 26-27.
2. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М.: ГУ-ВШЭ, 2000. – С. 49-50.
3. Анимица Е.Г., Сухих В.А. Пространственно-временная парадигма в социо-экономике: региональный аспект. – Пермь: 2007. С. 77.
4. Бутов В.И., Игнатов В.Г., Кетова Н.П. Основы региональной экономики. - М.: Март, 2000. – С. 44-48.
5. Шнипер Р.И., Новоселов А.С. Региональные проблемы рынковедения: экономический аспект. -Новосибирск: Наука, 1993. – С. 14.; Новоселов А.С. Рыночная система региона: проблемы теории и практики. - Новосибирск: ИЭОПП СО РАН, 2007. – С. 8.
6. Аюпов А.Н., Абдурашитов А.А., Бровко Н.А. Региональная экономика (Учебник). - Бишкек: КРСУ, 2015. – С. 163.
7. Christopher L. Waltz. Local food systems: background and issues. - New York: Nova Science Publishers, 2011. – pp. 26-27.
8. Feenstra, G. Creating space for sustainable food systems: lessons from the field// J. Agriculture and Human Values. – Kansas: № 19 (2), 2002. – pp. 99-106.
9. Kristine Hahn. What is a food shed?// Michigan State University Extension. – Michigan: 24 (3), 2013. https://www.canr.msu.edu/news/what_is_a_food_shed
10. One Hundred Tenth Congress of the United States of America, at the Second Session. – Washington: An Act, 2008. - p. 245. <https://www.govinfo.gov/content/pkg/BILLS-110hr2419enr/pdf/BILLS-110hr2419enr.pdf>
11. Jonnie B. Dunne, Kimberlee J. Chambers, Katlyn J. Giombolini and Sheridan A. Schlegel. What does “local” mean in the grocery store? Multiplicity in food retailers' perspectives on sourcing and marketing local foods// J. Renewable Agriculture and Food Systems. - Cambridge: № 26 (1), 2011. – pp. 46–59.
12. Бонда Д.Г, Пашина Л.Л. Приоритетные направления развития локальных продовольственных рынков// Аграрный научный журнал. – М.: № 11, 2015. - С. 60-61.

13. Саталкина Е.В. Локальные рынки продовольственных товаров: инфраструктура и классификация// Ж. Налоги. Инвестиции. Капитал. – М.: № 5, 2007. - С. 52-53.
14. Иватов И. Развитие дехканского рынка в Узбекистане. – Тошкент: Фан, 1994. – 112 с.
15. Дехқонов М. Дехқон бозорларида товарлар нарх-навоси ўзгаришини эконометрик тадқиқоти: Иқтисод фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ФА Кибернетика ИИЧБ, 2001. – 23 б.
16. Происхождение слов. <https://lexicography.online/etymology/>

Ш.Банноев	Sh.Bannoev
Функции и социально-экономическая сущность локального продовольственного рынка	Functions and socio-economic essence of the local food market
<p>Аннотация: В статье произведена группировка исследований раскрывающие сущность локального продовольственного рынка и обобщены современные подходы. Разработано усовершенствованное авторское определение локального продовольственного рынка. Проведена сегментация и определены иерархические уровни исходя из функций локального продовольственного рынка. Разработаны научные выводы и практические рекомендации по реализации мер комплексного характера на локальном продовольственном рынке.</p> <p>Ключевые слова: регион, региональная экономика, региональный рынок, локальный продовольственный рынок, социально-экономический, население, территория.</p>	<p>Abstract: The article presents a grouping of studies revealing the essence of the local food market and summarizes modern approaches. An improved author's definition of the local food market has been developed. Segmentation was carried out and hierarchical levels were determined based on the functions of the local food market. Scientific conclusions and practical recommendations on the implementation of complex measures in the local food market have been developed.</p> <p>Keywords: region, regional economy, regional market, local food market, socio-economic, population, territory.</p>

Shahloxon Shavkatovna Sharifova – Buxoro davlat universiteti PhD tayanch doktoranti

HALOL OVQATLANISHGA DOIR ASOSIY KATEGORIYALAR MOHIYATI VA ZARURATI

Annotatsiya. Mazkur maqolada halol ovqatlanishga doir tushunchalar ilmiy manbalarga tayanilgan holda, xorijiy tajribalar asosida yoritib berilgan. Unda halol turizm, musulmon sayyohlar hamda halol sertifikatiga haqida ma'lumotlar keltirilgan. Shuningdek, halol oziq-ovqat sanoati, musulmon aholining birlamchi ehtiyoji bo'lmish halol ovqatlanishda eng ko'p ishlatiladigan atamalar mazmun mohiyati ilmiy tadqiq etilgan hamda amaliyotda ulardan to'g'ri foydalanish uchun tavsiyalar berilgan. Musulmonlar o'zlarining taomlarini tanlashda oziq-ovqatning halol bo'lish sharti uchun zarur tamoyillar ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: halol sertifikatiga, ziyorat turizmi, musulmon sayyohlar, halol, harom, mashbuh, makruh, zabaha.

Kirish. Oziq-ovqat sanoati, boshqa har qanday sanoat singari, iste'molchilarning talab va ehtiyojlariga javob beradi. Dunyo bo'ylab odamlar endi oziq-ovqat, sog'liq va ovqatlanish haqida ko'proq bilishadi. Ular tarkibida kaloriya, xolesterin, yog' va natriy kam miqdorda bo'lgan foydali ovqatlarni iste'mol qilishga qiziqishadi. Ko'p insonlar oziq-ovqat mahsulotlarini organik yo'l bilan ya'ni, sintetik pestitsidlar va boshqa tabiiy bo'lmagan kimyoviy moddalardan xoli bo'lishi tarafdoridirlar. Jamiyati etnik va diniy xilma-xillikka xayrixoh bo'lgan bugungi kundagi ko'plab mamlakatlar (AQSH, Kanada, Yevropa davlatlari, Osiyo hamda Markaziy Osiyo davlatlari) xitoylik, yapon, italyan, hind, meksikalik, Yettinchi kun adventistlari (protestanlar oqimiga mansub), vegetarian, yahudiy va musulmon singari turli xil guruhlariga mos mahsulotlar tayyorlash uchun oziq-ovqat sanoati mahsulotlarini moslashtirmoqdalar.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Mastercard kompaniyasi hamda CrescentRating halol sayohat konsulligi tomonidan ishlab chiqilgan Global Muslim Travel Index (GMTI) 2017-ma'lumotlariga ko'ra Musulmon sayyohlar sarflari 2020-yilga borib 220 milliard AQSH dollariga ko'tarilishi kutilib, musulmon sayyohlar soni esa 2016-yildagi 121 milliondan 156 millionga oshishi prognoz qilingan edi. Butun dunyoda ro'y bergan global pandemiya bu ko'rsatkichlarni sezilarli darajada kamaytirdi.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023